Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Кун нафаси

Швейцариянинг Женева шаҳрида Парламентлараро иттифоқ (ПИ) бош котиби Мартин Чунгонг ва Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ўртасида ПИнинг 150-юбилей ассамблеясини 2025 йил Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов Сурхондарё вилоятига келди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов АҚШ Вакиллар палатаси делегациясини қабул қилди. Делегация таркибидан АҚШ Вакиллар палатаси аъзолари – Майк Рожерс, Адам Смит, Салуд Карбахал ва Вероника Эскобар ўрин олган.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Тошкент шаҳри ва республика вилоятларидаги 157 га яқин мозаик панно монументал санъат ёдгорликлари сифатида Моддий маданий меросни кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон элчиси Ашраф Хўжаев Қатарнинг Education Above All жамғармаси бош ижрочи директори Фаҳад Ал-Сулайтий билан музокара ўтказди. Учрашув чоғида Ўзбекистон ва Қатар ўртасида таълим соҳасида кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган.

Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги янги элчиси тайинланди. «Дунё» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Ўзбекистоннинг янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Нодир Турғунов Саудия Арабистони пойтахтига ташриф буюрган.

НАМАНГАНЛИКЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ

Президент ташрифи таассуротлари

>>> 3

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллигига

ЮРТИМИЗДА ИЛК КАСАБАЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҚАЧОНДАН БОШЛАНГАН?

Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш даврлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, муболаға бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Келинг, яхшиси, гапни дунёда илк касаба уюшмалари пайдо бўлишига оид далиллардан бошлайлик. «Унга нима туртки берди? Ишчилар нега бу уюшмага аъзо бўлишга интилдилар? Касабачилик ҳаракати нечун бутун олам бўйлаб жуда тез ёйилди?» деган саволларга жавоб излайлик.

Тарихий манбаларга кўра, ишчи-ходимларнинг илк касаба уюшмалари XVIII асрнинг иккинчи ярмида тузилган. Аниқроғи, 1868 йили Англияда касаба уюшмалари конгресси, 1869 йилда Америкада «Меҳнат рицарлари» номли касаба уюшмаси ташкил этилган.

Жаҳонда бундай тузилмалар шаклланишига, аввало, ишчи-хизматчилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ниятида турли йиғин, тўгарак, ширкат ва уюшмаларга бирлашганликлари замин яратган. Масалан, 1860 йиллардаёқ Германияда ишчиларнинг социал-демократлар уюшмалари, христиан ишчилар уюшмалари, буржуа тараққий партияси намояндалари М.Гирш ва Ф.Дункер асос солган Гирш-Дункерчилар уюшмалари мавжуд бўлган.

Россия империясида XIX аср охирига қадар қонуний мақомга эга ишчилар уюшмаларини очиш имконияти бўлмаган, фақат сафига кам сонли аъзоларни бирлаштирган «ўзаро ёрдам кассалари» тузилган, холос. Кейинчалик Урал ва Сибирда тоғ-кон заводи ишчилари ширкатлари вужудга келган.

1875-1876 йилларда Одессада народниклар (халқпарварлар) саъй-ҳаракатлари билан Жанубий Россия ишчилар уюшмаси, 1878-1880 йилларда Санкт-Петербургда Шимолий Россия ишчилар иттифоқи фаолият юритган. Ўша асрнинг 90-йилларда эса социал-демократик партия фаоллашуви самараси ўлароқ, Польша қироллиги, Шимоли-ғарбий ўлка, Санкт-Петербург ва Москвада ишчилар уюшмалари пайдо бўла бошлаган. Бироқ уларнинг барчаси норасмий ташкилотлар саналган. 1901-1903 йилларда эса, Россия империяси полиция департаментининг юқори лавозимли мулозими С.Зубатов ташаббуси ва чор ҳукумати рухсати билан Москва ва Санкт-Петербургда ходимларнинг илк қонуний уюшмаси – Механик ишчиларнинг ўзаро ёрдам жамияти ташкил топган.

>>> 4

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

DAVR

Shubha haqiqatga olib boruvchi yo‘ldir. Kim shubhalanmas ekan, hech narsani ko‘ra olmaydi. Ko‘rishdan mahrum odam esa tushunolmaydi. Tushunishdan mahrum kimsa misoli so‘qir kabi yo‘ldan adashadi.

Imom G‘azzoliy

2024-YIL 28-MART, PAYSHANBA
№ 40 (4948)

Бухоро вилояти

Профилактика

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАШ МУМКИН?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан Бухоро муҳандислик технология институтида бўлиб ўтган «Маърифат соати»да муассаса ўқитувчилари, ишчи-ходимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида ўтган йил 10-11 август кунлари давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи давомида вилоятни хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича белгилаб берган аниқ вазифа-топшириқлари ва шу асосида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб ўтилди.

Қайд этилганидек, айни чоққа қадар жиноят содир этган ва жиноятчиликка мойиллиги бор хотин-қизларнинг 5 минг 782 та муаммоси ўрганиб чиқилди. Доимий иш билан таъминлаш, касбга ўқитиш, субсидия асосида асбоб-ускуналар сотиб олиб бериш, уларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» асосида моддий ёрдам ва нафақа ажратиш, уй-жойини таъмирлаш, алимент тўловларини ундириб бериш, тиббий, психологик, ҳуқуқий жиҳатдан манзилли амалий ёрдам бериш, хотин-қизларнинг фарзандлари олий таълимда ўқиши учун контракт тўловларини тўлашга оид муаммоларни ҳал қилиш белгилаб олинди. Бугунги кунга қадар дастурга кирган аёлларнинг 2843 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 363 нафарининг бандлиги таъминланди, 192 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. 30 нафарига бошланғич даражада иш фаолиятини бошлаш учун асбоб-ускуна сотиб олиши учун субсидия ажратилди, 17 нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилди, 51 нафарига Пенсия жамғармасининг тегишли нафақалари ва 173 нафарига моддий ёрдам ажратилди, 9 нафарига ўқув контракт тўловлари амалга оширилди, 117 нафарига алимент тўловлари ўз вақтида тўланиши таъминлаб борилмоқда, 178 нафарига психологик ва 1085 нафарига ҳуқуқий ҳамда 626 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди.

– Жиноятчиликни жиловлашнинг энг оддий усули вақтида профилактик тадбирларни ўтказишдир, – деди тадбирда сўз олган вилоят ички ишлар бошқармаси хотин-қизлар бўлимининг муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори Холида Тойирова. – Шундай экан, Президентимизнинг топшириқларига мувофиқ Бухоро вилоятини хотин-қизлар жиноятчилигидан холи ҳудудга айлантириш борасида ҳаммамиз бирлашиб профилактик ва маънавий-маърифий тадбирларни олиб борсак, ташкилот, корхона, муассасалар кесимида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этилишида жамоатчилик назоратини кучайтирсак, тез кунларда самарали натижаларни қўлга киритамиз. Бу ердаги муассаса ходимлари ҳам ёшлар ўртасида мавзу юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришлари зарур.

Тадбир давомида иштирокчиларга жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақидаги слайд ва роликлар намойиш қилинди.

Маърифат соатлари касаба уюшмалари тизимидаги вилоятнинг барча ташкилот ва муассасаларида ташкил этилмоқда.

Адолат АКРАМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Фарғона вилояти

Жамоа шартномаси – амалда

Қаерда шароит яхши бўлса...

«Автоойна» МЧЖ Фарғона вилоятидаги йирик корхоналардан бири саналади. Ушбу заводда автомобиллар учун юқори сифатли ва хавфсиз ойналар ишлаб чиқарилади. Кези келганда таъкидлаш жоизки, завод нафақат мамлакатимиздаги ягона ихтисослашган корхона, балки бутун Марказий Осиёда автомобиль ойналари ишлаб чиқаришда етакчи корхона ҳисобланади.

Айни пайтда бу ерда мингга яқин малакали ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси орқали ҳимоя қилиб келиняпти. Йилдан-йилга аъзоларнинг манфаатдорлик даражаси ошиб бораётгани эса ишлар тўғри йўлга қўйилганини яна бир карра тасдиқлайди.

Жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши бўйича ўтказилган меҳнат жамоаси конференциясида иш берувчи ва касабақўмнинг ҳисоботларини тинглаб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Қайд этилганидек, жамоа шартномасига киритилган барча бандлар бажарилган.

Қийналиб қолган ходимларга, албатта, ёрдам қўли чўзилади. Жумладан, қўмакка эҳтиёж сезиб, ариза билан мурожаат қилган 277 нафар ишчи-ходимга касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 100 нафарга яқин ходим Хоразм, Тошкент, Наманган вилоятларининг тарихий ва диққатга сазовор жойларига олиб борилди.

Қолаверса, «Автоойна» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган «Энг яхши жамоа шартномаси – 2023» кўрик-танловида фаол иштирок этиб, республика босқичида 2-ўринни қўлга киритди.

Тоиржон ҲАМИДОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси

Эълон

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги «DILFUZA RISOLAT TAOMLARI» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Ishonch» газетаси саҳифаловчиси Ҳасан Абдужалиловга отаси **Абдумутал ота АБДУЖАЛИЛОВ** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таҳлил

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари жадал суръатларда бошлаб юборилди. Ўтган давр бошқа соҳалар қатори касаба уюшмалари фаолияти учун ҳам ғоят аҳамиятли бўлди. Негаки, Истиқлолнинг илк йилларида юртимиздаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари хусусийлаштирилиши сабабли ўз фаолиятини тўхтатди ёки бошқарувнинг янги шаклига ўтди. Бу эса кўплаб йирик меҳнат жамоалари тарқаб кетишига ёки ходимлар сони қисқаришига олиб келди. Табиийки, айни шароитда касаба уюшмалари аъзолари сафи ҳам сийраклаша бошлади. Оқибатда тизимда қатор жиддий муаммолар пайдо бўлиб, соҳани тубдан ислоҳ қилишга зарурат туғилди.

ИНСОН ҚАДРЛАНГАН ЮРТДА ЖАМИЯТ ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ

Вужудга келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида олиб борилган ислоҳотлар асноси касаба уюшмалари бошқарув ташкилотининг номи, фаолият доираси бир неча бор ўзгарди. Пировардида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тузилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида унинг вилоят кенгашлари ташкил этилди. Бу тузилмалар ташкилий жиҳатдан йил сайин такомиллаша борди. Аҳоли ўртасида олиб борилган тушунтириш ва тарғибот ишларининг самараси ўлароқ, уюшмада аъзолар сони сезиларли даражада кўпая бошлади. Ҳозир Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз сафларига салкам 6 миллион нафар кишини бирлаштиргани соҳа фаолияти нечоғлик муҳим аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Албатта, бундай муваффақиятга осонликча эришилмади. Ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий замин яратилгани, Бош Қомусимизда касаба уюшмалари ҳақида алоҳида банд, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунлар борлиги туфайли касаба уюшмалари мамлакатимиздаги энг йирик ва оммавий ташкилотга айланди. Сирасини айтганда, ўша унутилмас йилларда кўплаб фаоллар янги тартибда ва янгича иш юритиш эвазига касаба уюшмалари фаолиятини жонлантиришга киришдилар. Аҳолининг кенг қатлами ўртасида уюшмага аъзо бўлиш афзалликлари тўғрисида тарғибот ишлари қизғин олиб борилди. Фаоллар бу жамоат ташкилотининг меҳнат кишиси ҳаётидаги ўрни ва ролини амалда намоён этишдек муҳим вазифаларни шараф билан бажара бошладилар.

Сурхондарё вилоятида ҳам соҳадаги ўзгаришлару янгиланишлар изчиллик ва сабот билан давом эттирилди. Натижада муайян муддатга сийраклашиб қолган касаба уюшмалари аъзолари сафи янада кенгая борди. Масалан, бир пайтлар атрофига жуда оз сонли бошланғич ташкилотларни бириктирган ушбу вилоят жамоат ташкилоти таркибида ҳозир 2 минг 600 тага яқин бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, ўз сафларига 355 минг нафар аъзони бирлаштирган. Уларга ихтиёрий равишда аъзо бўлганларнинг 100 мингдан ортиқроғи ёшлардир.

Касаба уюшмаларининг Сурхондарё вилояти кенгаши навқирон авлод вакиллари иштирокида мунтазам равишда турли-туман хайрли ишларни амалга оширяпти. Айтайлик, сўнгги бир йил ичида ёшлар иштирокида 70 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбир, 10 га яқин спорт мусобақаси, 5 та интеллектуал танлов, 6 та китобхонлик викторинаси ва ҳар хил акциялар уюштирилди. Шунингдек, 4 марта «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ташкиллаштирилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» лойиҳаси доирасида 800 нафар йигит-қиз республикамизнинг тарихий шаҳарлари ҳамда муқаддас қадамжолари бўйлаб саёҳат ва зиёратга бориб келишди.

Президентимиз 2020 йилнинг 11 ноябрида Ўзбекистон касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларига йўллаган табригида ҳар қайси корхона ва ташкилотда, албатта, касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шунга кўра, Сурхондарёда касаба уюшма аъзолари сафини кенгайтириш ва ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш чоралари кўрилмоқда. Уюшқоқлик билан олиб борилган тинимсиз ҳаракатлар туфайли сўнгги бир йил ичида вилоят бўйича барча тармоқ касаба уюшма органлари томонидан нодавлат секторда 1025 та корхона ҳамда ташкилот уюшмага жалб этилди, уларда ишлаётган 23 минг 700 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояга олинди.

Яна бир гап. Юртимиздаги касаба уюшмалари фаолияти «Бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас» деган шиор асосида йўлга қўйилган. Бу яхши самаралар бермоқда, ютуқлар кўлами ошмоқда. Мавжуд имкониятлар ва яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланаётган касаба уюшмаларининг Сурхондарё вилояти кенгаши ижобий саъй-ҳаракатлари билан диёримиздаги энг йирик ташкилотга айланиб бормоқда.

Навбатдаги ютуқлардан бири касаба уюшмалари ҳар бир ишчи ёки ходим ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги тушунча меҳнат аҳлининг онгига тобора чуқурроқ сингиб бораётганидир. Зеро, кўҳна воҳада ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, илм-фан ва маданият соҳаларини ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётган инсонлар, ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида фаоллик кўрсатаётган ёшлар касаба уюшмалари тизимидаги ўзгаришларни мамнуният билан тилга олмоқдалар. Айниқса, бутун умри меҳнат билан ўтган фахрийларнинг, илм-фан, маданият намояндаларининг касаба уюшмаси жонкуярлари йиллар оша олиб борган хайрли ишлар, улар тўплаган бой ҳаётий тажрибалар ҳақидаги ҳикоялари бугунги ёшлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Кенгаш ходимлари шу соҳада узоқ йиллар баракали меҳнат қилганларни ва бугунги кунда нафақада бўлганларни ҳам унутганлари йўқ. Жумладан, бултур улардан 271 нафарининг ҳолидан хабар олинди. Барчасига турли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда эсдалик совғалари тарқатилди. Бу воҳамизда касаба уюшмалари фаолияти тўғри йўлга қўйилганини англатади.

Воҳада касаба уюшмалари фаолияти фаоллашиб, янада такомиллашиб бораётганини охирги йилларда бажарилган юмушлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Термиз шаҳрида «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Термиз туманида «Термиз марваридари», Олтинсой туманида «Хўжаипок», Сариосиё туманидаги тоғлар бағрида 200 ўринли «Сангардак» санаторийси барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани, Президентимиз қарори билан Бойсундаги «Омонхона» дам олиш ва даволаниш маскани касаба уюшмалари тасарруфига ўтказилгани шундай хайрли ишлардан бўлди. Ҳолбуки, бундан олти-етти йил аввал Сурхондарёда бирорта ҳам санаторий йўқ эди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимига кирувчи 4 та санаторий ишлаб турибди. Уларда йилига 30 минг нафар киши дам олиб, соғлиғини тиклаши учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

Раҳмон МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
кўз шифокори:

– Менинг бутун умрим касаба уюшмалари билан яқин ҳамкорликда ўтди. Эндиликда ўлкамизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам гувоҳ бўлиб турибман. Мана қизғин кечаётган ҳаётим давомида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихида ўзига хос из қолдираётган вилоят касаба уюшмалари Кенгашини бошқарган улуғ инсонлар билан мулоқотда бўлдим. Улар меҳнат фаолиятларини ўз замонасининг тажрибали ва тадбиркор, ишчан, ташаббускор инсонлари сифатида мустақил нодавлат ташкилот – касаба уюшмалари билан чамбарчас боғлиқликда олиб бордилар. Ғайриддин Мўминов, Тилла Менглиев, Анвар Остонақулов, Ҳумойиддин Шарафуддинов каби кўплаб инсонлар эса турли соҳаларда ишлаётган ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш ишларига муносиб улуш қўшдилар. Шу боис бугуни кунда касаба уюшмалари чинакам халқчил ташкилот даражасига кўтарилди.

Ҳумойиддин ШАРАФУДДИНОВ,
меҳнат фахрийси:

– Ҳозир 96 ёшдаман. Меҳнат фаолиятимни анча эрта бошлаганман. Турли ташкилотларда ҳар хил лавозимларда ишлаганман. Бир неча туманнинг биринчи раҳбари ҳам бўлдим. Вилоятда касаба уюшмалари эркин фаолият юритувчи мустақил ташкилот сифатида йил сайин ривожланиб бораётганини ўз кўзим билан кўриб-билиб келаяпман. Қолаверса, иш фаолиятимнинг каттагина қисмини бевосита шу йўналишга бағишладим. Ҳозир эл корига яраётган касаба уюшма фаолларининг аксарияти каминанинг кўз ўнгида раҳбар ва соҳа мутахассислари бўлиб етишди. Улар, аввало, инсонга касб-кори, жамиятда тутган ўрни ва мавқеидан қатъи назар, меҳр-мурувват кўзи билан қарашаётганини кўриб, чин дилдан қувонаман. Шундай фидойи инсонлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, «Дўстлик» ордени соҳиби, вилоят депутати Абдукарим Аҳмедовдир. Мен уни ёшлигидан яхши танийман, ҳаёти ва ишини дўсту маслакдош сифатида мунтазам кузатиб келаман. У сўнгги 27 йилдан буён умрини вилоят касаба уюшмалари ташкилотини бошқаришга бахшида этиб келмоқда.

Орзиқул СОАТОВ,
«Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

– Биз тобора янгиланаётган, бошқарув тизими тубдан яхшиланаётган жамиятда яшаяпмиз. Шунга монанд, фуқароларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, унумли меҳнат қилишлари ва яхши яшашлари учун яратилаётган шароитлар ҳам шаклан ва мазмунан янгиланмоқда. Мен касаба уюшмалари юртимизда мустақил ҳамда эркин фаолият юритувчи энг йирик нодавлат ташкилотга айланганининг бош сабабини шунда деб биламан. Айниқса, кейинги вақтларда «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» шиори остида қўл урилаётган ишлар Ватанимиз тараққиёти, жамиятимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилмоқда. Шу боис касаба уюшмаларининг нуфузи ва обрўси ҳам янада юксалмоқда. Бунга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Алқисса, касаба уюшмаларига аъзо бўлаётган ишчи-ходимлар кўпаймоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямиз, Меҳнат кодекси, касаба уюшмалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса касаба уюшмаларига турли соҳаларда ишлаётган ходимларнинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг қўмакка муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ фаолиятларини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Муҳиддин АБДУЛЛАЕВ,
халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати,
меҳнат фахрийси:

– Вилоятимиз касаба уюшмалари Кенгаши аъзолари ўз зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Самараси чакки бўлмаётир, аҳоли касаба уюшмалари том маънода меҳнаткашлар ғамхўри ва таянчи эканлигини теран англаб етаётир. Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг бевосита кўмаги билан ҳар йили юзлаб кексалар, меҳнат фахрийлари санаторийларда дам олишмоқда, мамлакатимизнинг турли ҳудудларига саёҳат ва зиёратларга боришмоқда.

Халқимизда «Пастдаги шохчани тутмасдан, тепадагисидан мева олиб бўлмайди» деган ажойиб нақл бор. Агар бу ҳикматга ҳаёт ҳақиқати деб қарасак, маъно-мазмуни ўз-ўзидан ойдинлашади. Яъни турли жабҳаларда меҳнат қилаётган инсонлар улкан дарахтнинг митти шохчалари каби бир бутунлик ва гўзалликни намоён этадилар. Энг муҳими, улар ўзлари мансуб бўлган дарахт – ҳуқуқий жамият серҳосил боғ мисоли гуркираб яшнашига хизмат қиладилар. Демак, оддийгина бир шохча эътибор билан парваришланса, куртак отиб, барг ёйгани каби инсон қадрланса, жамият ҳам гуллаб-яшнайди. Ташкил топганининг 120 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бундай ҳаётий ҳақиқатни яхши билади. Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши жамиятни тараққий эттириш, ишчи-ходимларни иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни қадрлаш орқали ушбу мустақил ташкилотни янада ривожлантиришга ахд қилган.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Муҳокама

ҲУЖЖАТ ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИ

Бўка туманидаги 3-умумтаълим мактабида 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилишига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда мактаб жамоаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси етакчи мутахассислари, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси ҳамда вилоят Кенгаши вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ҳисоботлари тингланди.

– Кези келиб қолди, мактаб томонидан 2023-2024 ўқув йилида ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган ўқувчилар учун уй таълими ташкил этилганлигини таъкидлашни истардим, – деди иш берувчи Барно Мусаева. – Бундай ўқувчилар учун фан ўқитувчилари тайинланган ва албатта, болаларнинг яхши таълим олишлари учун малакали педагоглар бириктирилишига алоҳида эътибор қаратилган.

– Ходимларнинг яхши шароитларда меҳнат қилиши, меҳнатига яраша ҳақ олишини тўғри ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш асосий мақсадларимиздан бири, – дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Гулнора Ўразметова. – Улар ўртасида дўстона мусобақаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун кўплаб спорт ва маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Йил давомида муассаса ходимлари юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиш имкониятига эга бўлишди, шунингдек, саломатликларини тиклаш учун сиҳатгоҳларга юборилди.

Жамоа шартномасининг бажарилиши қизғин тарзда муҳокама қилингач, унинг бажалиши қониқарли деб топилди.

Нурсултон БЕКТОШЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

Андижон вилояти

Холис фикр

ИМТИЁЗ ВА КАФИЛЛИКЛАР ШУНЧАКИ ҚЎЛГА КИРИТИЛМАЙДИ

Шу кунларда касаба уюшмаларининг барча тармоқларида жамоа шартномаларининг бажарилиши борасида йиғилишлар ўтказиляпти.

Яқинда ана шундай йиғилишларнинг бирида бўлдим. Таълим даргоҳида дастлаб эътиборимни тортган нарса – иситиш тизимининг ишламаётгани бўлди. Эҳтимол, шунинг учунми, ходимларнинг онда-сонда йўталишларидан улардан анчайин совқ ўтиб, шамоллаб қолганликларини сездим. Буни қарангки, ҳатто касаба уюшма раиси ҳам шамоллаганидан омонатгина ўтирарди. Уларни ҳам тушунса бўлади, қишнинг совуқ кунларида кун бўйи совуқ хоналарда машғулот ўтишнинг ўзи бўладими?

Ачинарлиси, жамоа шартномасининг муҳокамаси ҳам қуруқ ваъзхонлигу кўл кўтариб маъқуллашлар билан ўтди. Бирорта касаба уюшма фаоли иш берувчига иситиш тизими йўлга қўйилмагани борасида лом-мим демади. Ҳолбуки, жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасида иш берувчи ишчи-ходимга ишлаш учун керакли шарт-шароит яратиб бериши кўрга ҳасса қилиб белгилаб қўйилган бўлиши керак. Ушбу ҳолат ишловчиларнинг меҳнат шартномаси тўғрисида умуман тушунчага эга эмаслигидан далолат беради.

Муҳими, касаба уюшма аъзоларида жамоа шартномасининг асосий мақсади ишчи-ходимларнинг меҳнатларини муносиб рағбатлантириш, уларни зарур имтиёз ва кафилликлар билан таъминлашдан иборат экани ҳақида тушунча бўлиши керак. Қолаверса, жамоа шартномаси муҳокамаси қуруқ расмиятчилик учун ўтказиладиган йиғилиш эмаслигини ҳам тушуниб етиш вақти келди.

Менимча, бу каби йиғилишлар иш берувчи билан ишловчиларнинг қизғин баҳс-мунозаралари остида ўтиши лозим. Шартноманинг ҳар бир бандига киритиладиган имтиёз ва кафилликлар учун тортишувлар бўлиши керак. Ана шундагина бошланғич касаба уюшмаларининг обрўси ошиб, унинг фаолиятидан ишчи-ходимлар рози бўлишади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Наманган вилояти

НАМАНГАНЛИКЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ

Бугунги кунда 3 миллион нафардан зиёд аҳолига эга Наманган вилоятида 4909 та саноат корхонаси мавжуд. Уларнинг 49 таси йирик, 274 таси ўрта ва 4584 таси кичик субъект ҳисобланади. 2023 йилнинг ўзида 852 та янги корхона ташкил этилди. Жами 20,8 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 107,2 фоизга таъминланди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 млн. сўмни ташкил этди.

Маълумки, водийликлар деҳқончилик, боғдорчилик ҳадисини олишган, тупроқ билан тиллашиб кам бўлишмаган. Жумладан, Наманган аҳли олма-ю анорлари, гулу райҳонлари ила дунёга танилган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, ушбу заминнинг закий ва меҳнаткаш халқи фақатгина олмаю анор етиштиришга қодирми?!.

Водийнинг географик жиҳатдан энг қулай қисмида жойлашган бу вилоят яқин ўтмишда барча соҳа бўйича энг қуйи ўринларни эгаллаган, камбағаллик даражаси юқори, муаммолар гирдобида қолиб кетган ҳудуд саналган. Иқтисодчилар таъбири билан айтганда, у кўп йиллар дотацияда ўтирган, яъни ўз аравасини ўзи тортолмаган вилоят бўлган.

Ажабки, бундан олти-етти йил аввал оқсаётган, давлат кўмаги билан амал-тақал қилиб кун кўраётган ҳудуд бугунга келиб, мамлакатдаги улкан саноат зонаси мақомига эришди. Ўтган давр унинг жаҳон бозорига йирик саноат маркази сифатида кириб бориши учун етарли муддат бўла олди. Бундай ютуқларга эришишда эса давлатимиз раҳбарининг наманганликларга юксак эътибори ва ишончи муҳим аҳамият касб этди.

Халқимиз «Ёмонни ёмонласанг, яхши бўлиб қолмайди», деган нақлни бежиз айтмаган. Президентимиз ҳар галги ташрифи чоғида вилоят раҳбарларига, меҳнаткаш халқига, ёшларига катта ишонч билдирди, алқади, тўғри йўл кўрсатди, йиллар оша тўпланиб қолган муаммоларга босқичма-босқич оқилона ечимлар топиб берди, моliявий жиҳатдан кўмаклашди, сирасини айтганда, Наманган аҳлига меҳр билан ёндашди. Бу меҳр эндиликда ўз мевасини бермоқда.

Қонида меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик бор наманганликлар ўзлари учун яратилган имкониятлар, берилган имтиёзлар, кўрсатилган ғамхўрликлар қадрига етиб, давлатимиз раҳбари ишончини оқлашди. Бугун саноат ҳудуд иқтисодиётининг ўзига хос драйверига айланди.

Шу ўринда айрим рақамларга эътибор қаратайлик. 2016 йили вилоятдаги саноат корхоналарида 3,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич қарийб 21 триллион сўмга етди. Ёки 2016 йили ҳудуддаги саноат корхоналари сони 2900 тага ҳам етмаган бўлса, ҳозир салкам 5 мингтани ташкил этмоқда.

Худди шунингдек, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бўйича кўрсаткич ҳам ҳар йили рекорд даражада янгиланмоқда. У 2016 йилда 13 триллион сўмга яқин эди, бултур илк бор 47 триллион сўмдан ошди. Ўсиш суръати 3,6 баробарга тўғри келди.

Эндиликда ҳудуд иқтисодий жиҳатдан мутлақо янги манзилга айланди. Чунки вилоят тўқимачилик саноатида «Art soft tex», «Aisha», «Uztex GROUP», «ADIM», «IDEAL», «NAZMANTEX», «D.MARETTI» каби йирик брендлар вужудга келди. Бугун улар ўз маҳсулотларини жаҳоннинг энг машҳур, иқтисодий жиҳатдан бақувват ташкилотларига сотмоқда.

2016 йилгача вилоят экспорт географиясидан асосан қўшни давлатлар жой олган бўлса, ҳозир 80 дан зиёд мамлакат билан экспорт локацияси кенгайди. Натижада 2016 йили вилоятдан 159 миллион долларлик маҳсулотлар четга чиқарилган бўлса, ўтган йили 3,5 баравар кўп, жами қиймати 558 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди.

Яна бир янгилик. Наманганда сўнгги тўрт-беш йилда қад ростлаган уй-жойлар олдинги ярим аср мобайнида қурилганларидан бир неча баравар кўпдир. Рақамларга таянсак, 2017-2023 йилларда 16 минг 311 хонадондан иборат 516 та кўп қаватли уйлар барпо этилди.

Диққатга молик жиҳати, республика бўйича илк кичик саноат зоналари айнан Наманган вилоятида ташкил этилди. Президентимиз 2017 йили вилоятга ташрифи чоғи мамлакатимиздаги дастлабки «Юксалиш» кичик саноат зонасига асос солди. Вақт ўтиши билан бундай объектлар сони 84 тага етиб, умумий қиймати 10 триллион сўмдан ошди. Уларга 1245 дан ортиқ лойиҳа жойлаштирилди. Шунинг баробарида 46,5 мингтага яқин янги иш ўрни яратилди. Бундай ўзгаришлар замирида катта сиёсий ирода, узоқни кўра билиш, матонатли бошқарув, юксак донолик, кучли иқтисодий таҳлил каби омиллар мужассамлашгани барчамизга аён.

Ҳудудлар иқтисодиёти ва муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига бу галги ташрифи ҳам кўплаб катта ўзгаришлар ва янгиликларга йўл очди.

Ташриф Янги Наманган туманидаги йилига 1 минг 200 килограмм заргарлик буюмларини саноат усулида ишлаб чиқариш қувватига эга «GAVHAR GROUP» корхонасидан бошланди. Туркия, Италия, АҚШ, Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳ-ускуналар билан жиҳозланиб, 2022 йили ишга туширилган бу корхонада ҳозир 10 минг турдаги ва дизайндаги заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Унда ўтган йилдан эътиборан хорижлик тадбиркорлар билан ҳамжиҳатликда қўл соатларининг тилла корпуси ҳам тайёрланмоқда. Шунингдек, маҳаллий заргарлар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда. Натижада иш ўринлари кўпаймоқда, устоз-шогирд анъанаси асосида ёшларга заргарлик ҳунари сир-асрорлари ўргатилмоқда.

Ташриф давомида Президентимиз Уйчи туманидаги «Қумтепа» ёшлар кичик саноат зонасида ҳам бўлди. Уч йил бурун бунёд этилган ва темирчиликка ихтисослаштирилган бу мажмуа уч гектар майдонни эгаллаган. Йўл, энергия, ичимлик ва оқова сув каби барча зарурий инфратузилма билан тўлиқ таъминланган. Жами ишчи-ходимлари 500 кишидан иборат мазкур корхонада темирдан дарвоза, эшик, сўри, панжара ва бошқа металл буюмлар ишлаб чиқарилади. Уларга талаб юқорилиги боис тадбиркорлар барча вилоятларда корхона филиалларини очишган.

Шавкат Мирзиёев Наманган туманидаги «Nam Motors» корхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. 2021 йили фойдаланишга топширилган ушбу корхонада йилига 10 мингта электр двигатель, 2 мингта сув насоси ишлаб чиқарилади.

Айни кезлар Наманганда 650 мингга яқин электр абоненти ва 913 мегаваттга эга генерация қуввати мавжуд. Ҳудудда сўнгги уч йил ичида электр энергияси истеъмоли 24 фоизга ўсган. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткич 5,5 млрд. киловатт соатни ташкил этиши кутилмоқда. Демак, янги манбаларга зарурат туғилиши табиий. Буни теран англаган Президентимиз Наманганга янги лойиҳалар билан келди. Аниқроғи, вилоятда учта қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалиётга татбиқ этди. Улардан бири Уйчи туманидаги Норин дарёси бўйида 228 мегаваттлик гидроэлектростанциялар каскадини қуриш, қолган иккитаси Поп туманида барпо этилажак қуввати 500 мегаваттлик қуёш фотоэлектр станцияларидир. Юртбошимиз вилоят фаоллари билан учрашув чоғи янги миллий гидроэлектростанция қурилишига рамзий старт берди.

Барча мусулмонлар учун қутлуғ Рамазон ойи муносабати билан Наманган шаҳридаги «Тинчлик» хиёбонида ифторлик дастурхони ёзилди. Унда Президентимиз ҳам иштирок этиб, бутун мамлакатимиз мусулмонларини ушбу айём билан табриклади. Ифторликда Андижон ва Фарғона вилоятларидан келган фахрийлар ҳам меҳмон сифатида иштирок этдилар, эл қатори дуога қўл очиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тиладилар.

Давлатимиз раҳбарининг Наманганга ташрифининг иккинчи кунида Давлатобод туманида вилоят фаоллари билан йиғилиш бўлиб ўтди. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан равнақ топтириш масалаларига бағишланган ушбу тадбирда таълим, тиббиёт, туризм, транспорт, коммунал хўжалик каби талай соҳаларни ривожлантириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Ишончимиз комилки, Президентимизнинг вилоятга бу сафарги икки кунлик ташрифи ҳам наманганликларнинг эртанги ёрқин келажаги учун яна бир маёқ вазифасини ўтайди. Вилоят раҳбарлари, фаоллари ҳамда меҳнаткаш халқи эса ўзларига билдирилган ишончни албатта оқлайдилар.

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Оламда бугун

ҚОНЛИ «КРОКУС»
МИГРАЦИЯ ТОМИРИГА БОЛТА УРДИМИ?

Ўрмонга ўт кетса, ҳўл-қуруқ баробар ёнар экан. Москва яқинидаги «Крокус Сити Холл»да 22 март куни содир этилган ва 139 нафар кишининг умрига зомин бўлган даҳшатли терактдан сўнг россияликлар орасида муҳожирларга нисбатан ксенофобия кескин ортиб кетди. Россиянинг кўплаб ҳудудларида нафақат тожиклар, балки бошқа Марказий осиёлик мигрантлар ҳам таъқиб, инсон қадрини ерга урувчи муомала ва камситишларга учраяпти. Бу ҳолат, ҳатто, мактабларда ҳам содир бўлаётгани ижтимоий тармоқларга сиздирилаётган турли видеоларда акс этяпти. Муҳожирлар яшайдиган ҳудудларда, бозорларда, ётоқхоналарда, савдо нуқталарида, кўчаларда махсус рейдлар ўтказиляпти...

– Миграция давлат учун таҳдидга айланди. Бизнинг шаҳарларимизда қонун-қоидалар ва ўз параллель дунёсида яшаётган, Россия қонунлари етиб боролмаётган, аммо ваҳобийлик ақидалари ва туб аҳолига нафрат билан тўлиб-тошган армия мавжуд, – дейди терактга муносабат билдирган россиялик сиёсатшунос Николай Севостьянов.

Бундай қарашлар оддий одамлар билан бир қаторда турли даражадаги сиёсатчилар орасида ҳам баралла янграй бошлади. Эҳтимол, улар ҳақдирлар. Зеро, тинч аҳолини нишонга олган террорчилик хуружини асло оқлаб бўлмайди ва бундай вазиятда кўплаб россияликларнинг мигрантларга нисбатан муносабати ўзгарганини қайсидир маънода тушуниш мумкин. Аммо... террор бошқа бир террорга йўл очиши керакми?

Дарҳақиқат, сўнгги кунларда Россиянинг ички сиёсатида Марказий Осиё давлатларидан келган барча муҳожирларга нисбатан нафрат беихтиёр кучаймоқда. Ўтган бир неча кун ичида нисбатан барқарор миллатлараро тотувликка жиддий дарз кетди. Афтидан, террорчилик ҳужумининг буюртмачилари айнан шундай мақсадни ҳам кўзлаган кўринади. Агар бу фараз тўғри бўлса, Москва яқинидаги теракт яқин келажакда Россия ва Марказий Осиё давлатлари учун катта фожиага айланиши мумкин.

Россияда ишлаётган муҳожирларга бепул маслаҳат берадиган ҳуқуқ ҳимоячиси Валентина Чупик «Крокус Сити Холл»даги терактдан кейинги икки кун ичида унга Россиядаги хорижлик фуқаролардан 2,5 мингдан ортиқ қўнғироқ бўлганини айтади. Уларнинг тенг ярми полиция рейдлари ва ноқонуний ҳибсга олишлар билан боғлиқ. Муҳожирларнинг айтишича, уларни полиция ёки Миллий гвардия тўхтатиб, ФСБ (Федерал хавфсизлик хизмати) вакиллари билан «суҳбатлашиш учун» олиб кетган. Полиция нафақат Тожикистон, балки Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқароларини ҳам қаттиқ текширмоқда.

Аслида, меҳнат мигрантлари муаммоси билан боғлиқ мавзу бир неча йиллардан буён Россиянинг гоҳ у, гоҳ бу оммавий ахборот воситаларида бўй кўрсатиб келяпти. Россия Фанлар Академиясининг Демографик тадқиқотлар институтидан олинган маълумотларга қараганда, мамлакатда содир этилаётган жиноятларнинг бор-йўғи 2 фоизигина мигрантлар ҳиссасига тўғри келса-да (2022 йилги маълумот), ОАВ мигрантлар ўртасида жиноятчилик, Россия қонунларини менсимаслик каби ҳолатлар, ўз қонунлари асосида яшаётган мигрантлар маҳаллаларининг пайдо бўлаётгани миллий манфаатларга зид экани ҳақида мунтазам бонг ураётган эди.

Шундай бўлса-да, Россия иқтисодиётида мигрантларга эҳтиёж катта. Бундан бир ой аввал Владимир Путин мамлакат меҳнат бозорида икки ярим миллион нафар ишчи кучи етишмаётганини айтган эди. Молия университети проректори Александр Сафонов меҳнат муҳожирлари хизматидан бош тортиш Россия иқтисодиётига жуда катта зарар етказади. *«Муҳожирларсиз қурилиш объектлари, уй-жой коммунал хўжалиги фаолияти тўхтайди. Қолаверса, муҳожирлар саноатнинг турли соҳаларида ҳам банд. Улар логистика, жамоат транспорти билан таъминлайди»,* дейди у.

Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ) маълумотларига кўра, 2023 йилнинг биринчи чорагида Россияга ишлаш учун 1 миллион 300 минг нафар муҳожир кириб келган. Меҳнат муҳожирларининг асосий қисмини Ўзбекистон (630 859 нафар киши), Тожикистон (349 357), Қирғизистон (172 591), Арманистон (47 337) ва Қозоғистон (34 783) фуқаролари ташкил этади.

Рақамлардан кўриниб турибдики, Россияда олиб борилаётган махсус ҳарбий амалиёт, чет эллик ишчилар учун шарт-шароитларнинг оғирлашаётгани ҳамда мамлакатимизнинг ўзида ҳам ишлаш учун имкониятлар озми-кўпми яхшиланаётганига қарамай, Ўзбекистон Россияга ишчи кучи етказиб бераётган давлатларнинг олдинги қаторида турибди. Бу ҳолат икки давлат ўртасида меҳнат мигрантларининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ келишувларни янги босқичга кўтариш заруратини юзага келтиради.

Аммо Россия учун муҳожирлар билан боғлиқ провокацияларга берилиш ўз жонига қасд қилиш билан тенг. Албатта, мигрантлар орасида номақбул унсурлар, жиноятчилар бор. Бу муаммони меҳнат миграцияси соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, мигрантларни жамиятга мослаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар орқали ҳал этиш механизмлари бор. Лекин шунинг баҳонасида ксенофобияни рағбатлантириш Россиянинг зарарига ишлаши аниқ.

Миграция бўйича эксперт, Россия Федерал Миграция хизмати директорининг собиқ ўринбосари (2016 йилда тугатилган) Вячеслав Поставниннинг фикрича, сиёсатчилар томонидан таклиф қилинаётган миграция билан боғлиқ ташаббусларда популизмнинг ҳиди келади. Чунки ҳозир тартибга солишни талаб қиладиган жиддийроқ муаммолар етарли: масалан, мигрантлар бўйича ахборот базаси, мигрантларнинг мослашуви ва интеграциясининг реал ишлайдиган тизимини яратиш лозим.

Келинг, Россияга қайси постсовет давлатларидан мигрантлар келаётганига эътибор қаратайлик. Бир вақтлар Болтиқбўйи мамлакатларидан меҳнат муҳожирлари кўп эди. Аммо ҳозир ҳеч ким у ердан Россия Федерациясига келишни истамайди – иқтисодий тафовут ўсиб бормоқда. Айниқса, Литва ва Эстонияда. Беларусь Россия билан таққосласа бўладиган даражада ривожланган. Илгари Молдовадан келган кўплаб муҳожирлар Европа Иттифоқи билан виза режими ва Руминия паспортларини олишнинг қулайлиги туфайли асосан Европа Иттифоқига ишлагани боряпти. Озарбайжоннинг ўзи нефть ва газга бой бўла бошлади. Грузия ва Арманистон ҳам бор – лекин улар нисбатан кичик давлатлар.

Демак, фақат Марказий Осиё давлатларидан келаётган мигрантлар қоляпти, холос. Аммо Қозоғистон ҳам бойиб кетди, у ерда иш ҳақи Россияникидан қолишмайди. Туркманистондан бораётган мигрантлар сони жуда оз. Минтақадаги аҳоли сони бўйича энг йирик ҳисобланган мамлакатимиз аҳолиси орасида ҳали ҳам Россияга бориб ишлаётганлар кўп. Лекин шу билан бирга, давлатимиз раҳбари бошлаган жуда катта ислоҳотлар ва жадал иқтисодий ривожланиш стратегияси ўз меваларини бера бошлади. Шундай экан, мамлакатимиз фуқаролари учун Россияга бориш қанчалик мантиқли деган савол туғилади.

Россия пойтахтидаги теракт ва муҳожирларга нисбатан ксенофобия кучайиши фонида Қирғизистон ўз фуқароларига ҳозирча Россияга бормасликни тавсия қилди. Тожик диаспораси, ўз навбатида, муҳожирларга нисбатан зўравонлик кучайишидан қўрқиб, эҳтиёт бўлишни қатъий тавсия қиляпти. Ўзбекистон ҳам Россияда бўлиб турган фуқароларини шахсни тасдиқловчи ва мамлакатда бўлиш ёки ишлаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ўзлари билан бирга олиб юриш, жамоат жойларга сабабсиз бормаслик, нотаниш ёки шубҳали инсонлар билан мулоқотга киришмаслик, телефон ва бошқа қурилмаларда тақиқланган фото, аудио ва видео материалларни сақламаслик, сафар режалаштирилган бўлса, вокзал ёки аэропортга белгиланган вақтдан олдинроқ бориш каби огоҳлантириш билан чиқди.

Миграция бошқа демографик жараёнларга қараганда кўпроқ иқтисодий вазиятга боғлиқ. Бир томондан, Россиянинг иқтисодий муаммолари ва рублнинг заифлашиши миграция оқимининг камайишига олиб келади. Иккинчи томондан, Россия меҳнат бозорида кадрлар танқислиги фонида ишчи кучига бўлган катта талаб тобора сезиляпти. Шу боис мигрантлар ўзларига маъқулини танлашлари керак: пул кам, лекин осонгина иш топиш мумкин; эҳтимол, камситишлар бўлади, лекин буткул бегона тилни ўрганишга ҳожат йўқ. Лекин шуниси аниқки, Россиядаги ҳозирги ҳуқуқий ва иқтисодий вазиятда ушбу мамлакатга меҳнат миграцияси сезиларли даражада камаяди. Ана шундай бир шароитда фуқароларимиз яқин келажакда нисбатан барқарор Туркия, БАА, Қатар, Жанубий Корея ёки Европа Иттифоқи мамлакатларига бориб ишлашни маъқул кўра бошлашлари эҳтимоли анча юқори.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

KO'ZGU

Siz ilmga bor-yo'g'ingizni bermaguningizcha, u sizga biror narsa bermaydi.

Imom G'azzoliy

2024-YIL 28-MART, PAYSHANBA
№ 40 (4948)

ЮРТИМИЗДА ИЛК КАСАБАЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҚАЧОНДАН БОШЛАНГАН?


Редакторъ И. О. Плять.
Издательница Ап. В. Худашъ.
ОБЪЯВЛЕНІЯ.
Извѣщаемъ Товарищей Профессіональнаго Союза.
Портныхъ, сапожниковъ, шапочниковъ шляпочницъ портнихъ и бѣлошвеекъ, пожаловать на открытіе библіотеки.
Въ воскресенье 19-го ноября 1906 г. въ 11 часовъ дня, въ домъ Парышева № 31 по Воронцовскому проспекту рядомъ съ интендантскимъ складомъ.
Женщина-врачъ
Прокофьева
возвратясь возобновила пріемъ больныхъ ежедневно отъ 4—6 веч., кромѣ пятницъ и воскресенья. Московск. ул. № 42 соб. д. 1739 5—3


Профессиональное движение
1 апреля 1921 г. № 7

СРЕДНЕАЗІАТСКАЯ ЖИЗНЬ
№ 34
„Среднеазіатская Жизнь"
Чары Весны
„СРЕДНЕАЗІАТСКАЯ ЖИЗНЬ"
ТУРКЕСТАНСКІЯ ВѢДОМОСТИ

<<< 1

1904 йили Санкт-Петербургда рус православ черкови руҳонийси, сиёсий арбоб, нотиқ, касаба уюшмалари фаоли Георгий Гапон ташаббуси ва чор ҳукумати ижозати билан қонуний равишда Санкт-Петербург рус завод ишчилари йиғини очилди. Аммо у ишчилар подшоҳ Николай II га ўз шароитларини яхшилаш бўйича петиция топшириш учун намойиш уюштиришгани эвазига оммавий қатл қилинганликлари туфайли 1905 йил 9 январда ёпилди.

Бундан қатъи назар, рўй берган воқеалар ишчиларнинг ягона мақсад йўлида бирлашишига, ўз ҳақ-ҳуқуқлари завод, фабрика эгалари ва помешчиклар томонидан поймол этилишига қарши курашига тўсқинлик қила олмади. Салкам икки йил мобайнида бутун Россия бўйлаб ишчиларнинг юзга яқин жамоат ташкилотлари тузилди. Чунончи, 1905 йилнинг баҳор-ёз фаслларида Путилов, Обухов, Семяников номли заводларда, шунингдек, тикувчилар, косиблар, пойабзалчилар, новвойлар, соатсозлар, идора ишчи-хизматчиларининг илк касаба уюшмалари пайдо бўлди. 16 апрелда эса Санкт-Петербургда Полиграфия ишчилари иттифоқи ташкил этилгани қонунан расмийлаштирилди. Шунга қарамай, тез орада у маъмурий таъқибга учраб, ёпилиб кетди.

Чор Россиясида касаба уюшмаларининг ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетиши ҳамда уларни тузиш ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши ҳукмдор Николай II 1905 йил 17 октябрда имзолаган Йиғилишлар ва уюшмалар тузиш эркинлиги тўғрисидаги манифест билан боғлиқ эди. Чунки унинг 1-бандида ***«Аҳолига ҳақиқий шахсий дахлсизлик, виждон, сўз, йиғилишлар ва уюшмалар эркинлиги асосида фуқаролик эркинлиги асосларини тиклаш инъом этилсин»*** дейилган эди. Бу ёлланма ишчиларга ҳам янги имкониятлар эшигини очиб, касаба уюшмалари фаолияти учун қонуний асосларни тақдим этди.

Ўша йил 19 ноябрда дурадгорлар, матбаачилар, тикувчилар, пойабзалчи-косиблар, тўқувчи-ўровчилар ва боғбонлар уюшмалари вакиллари Санкт-Петербург императорлик университетида дарс берадиган иқтисодчи ва тарихчи олим, касаба уюшмалари ҳаракати мафкурачиси ва илк касаба уюшмаси асосчиларидан бири Владимир Святловскийнинг Конногвардейский бульварида жойлашган уйдаги хонадонида йиғилиб, биринчи Санкт-Петербург ишчилар касаба уюшмаси Марказий бюросига пойдевор қўйдилар. Шу боис бу сана ҳозирга қадар Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти касаба уюшмалари куни сифатида нишонлаб келинади.

1910 йили Россияда ишчилар ҳаракати кучайди ва касаба уюшмалари тузиш учун курашлар авж олиб, 1917 йилгача жадал давом этди. Ўтган давр оралиғида касаба уюшмаси тузмаган ёки тузишга интилмаган бирорта ҳам корхона-ташкилот қолмади. Негаки, чор ҳукумати одамларни босим остида ишлатаётгани, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мунтазам равишда топтаб келаётгани ишчиларнинг сабр косасини тўлдирган эди.

Туркистонда ҳам касаба уюшмалари пайдо бўлишидан олдин ишчи-хизматчилар турли тўгарак, йиғин ва уюшмаларга бирлаша бошлагандилар. Таҳлиллар 1905-1907 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, ҳақиқатан ҳам, касаба уюшмалари фаолият юритганидан далолат беради. Олдингиларининг номида «касаба» сўзи мавжуд бўлмаса-да, улар табиати ва хусусиятига кўра, ишчи-хизматчилар томонидан ўз иқтисодий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилгани, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари билан шуғулланганини боис бошқа мамлакатлардаги ҳозирги касаба уюшмаларига тўла-тўкис мос келади.

Совет тарихи энциклопедиясининг 14-томида битилишича, Туркистонда биринчи норасмий социал-демократлар тўгараклари 1903 йили Тошкентда, келаси йил Самарқандда пайдо бўлган. Умуман олганда, 1905 йил кузида Тошкентда ишчиларнинг 15 та тўгараги фаолият юритган. 1904 йили шу шаҳарда уюшма сифатида шаклланган Социал-демократлар уюшган гуруҳининг ишчи-хизматчилари кейинги уч йилликдаги иш ташлашлар ва намойишларда фаол қатнашганлар.

Туркистон ўлкасида илк касаба уюшмаларининг дунёга келиши 1901 йили ҳар икки томондан ҳам бир вақтда бошланган Ўрта Осиё ва Оренбург – Тошкент темир йўл қурилиши билан боғлиқ, десак, янглишмаймиз. Тарих фанлари доктори, профессор Л.В.Гентшкенинг фикрича, **1905 йил кузида Бутунроссия темир йўл уюшмасининг Туркистон бўлими ташкил этилган.** Орадан тўрт-беш ой ўтар-ўтмас, у Ўрта Осиё ва Оренбург – Тошкент темир йўлларининг 8 минг нафар ишчи-ходимини ўз сафига қамраб олган.

Ўлкамиздаги илк касаба уюшмалари узоқ давом этган иш ташлашлар, ноқулай меҳнат шароитлари ҳамда ишчи-ходимларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари оёқости қилинишига боғлиқ норозиликлари оқибатида юзага келган. Айни чоғда, бу меҳнаткашлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари учун курашганини англатади. Хусусан, улар маошлари муддатида берилмаганидан, ҳақ тўланмайдиган ва иш вақтидан ташқари қўшимча ёки байрам кунларида меҳнатга жалб этилишларидан норози бўлишган. Ўз шартлари бажарилишини талаб қилган ҳолда, вақти-вақти билан заводда ва темир йўлларда ишни тўхтатиб қўйишган. Масалан, 1905 йил февралида Ўрта Осиё темир йўлларининг Тошкентдаги бош устахонасида йирик иш ташлаш уюштирилган. У Фарғона водийсида ҳам худди шундай кўтарилишлар содир бўлишига доялик қилган.

Бу янглиғ қалтис ҳаракатлар ва уларнинг оқибат-натижалари ҳафталик газеталарда ёритиб борилган. Жумладан, «Туркестанские ведомости» хабарига қараганда, 1905 йил февралида Оренбург – Тошкент темир йўлининг тахминан 400, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бош устахоналарининг қарийб 800 ишчиси ўз ишларини тўхтатиб, раҳбарият олдига қуйидаги талабларни қўйишган:

1. Саккиз соатлик иш кунини жорий этиш;
2. Байрамолди иш кунларини кундузи соат 12 да тугатиш;
3. 19 февраль ва 1 май кунларини байрам сифатида нишонлаш;
4. Иш вақтидан ташқари ишлашга фақатгина истисноли ҳолатлардагина йўл қўйиш, шунда ҳам ишдан ташқари ишлаш вақти йилига 120 соатдан ошишига йўл қўймаслик, ишдан ташқари ишланган бир соатни икки соат, тунги ишларни уч соат сифатида қабул қилиш, тунги соатларни соат 21 дан эрталаб соат 6 гача этиб белгилаш;
5. Ишбай меҳнат учун ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ваколатини раҳбарият вакиллари билан тенг ҳуқуқли бўлган ишчиларнинг ўзлари эркин сайлаган вакиллари киритилган комиссияга беришини, бунда уларнинг вакиллари сони 3 тадан кам бўлмаслигини таъминлаш;
6. Кунлик тўланадиган ҳақ миқдорини ошириш, кунига икки рубль ва ундан кўп оладиганларнинг кунлик ва ойлик меҳнат ҳақини 10 фоизга, камроқ оладиганларникини эса 25 фоизга ошириш, энг кам кунлик иш ҳақини 1 рубль миқдорида белгилаш;
7. Хизмат сафарлари вақтида иш ҳақини бир ярим баравар миқдорида тўлаш, сафардаги тўлиқсиз суткани тўлиқ бир сутка этиб белгилаш;
8. Маошни ойига камида икки марта, иш вақтида тўлаш;
9. Маъмурият билан ишчилар ўртасидаги барча тушунмовчиликларга иккала тараф тенг миқдорда сайлайдиган махсус комиссия томонидан барҳам бериш, ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масаласини фақатгина шу комиссия томонидан ҳал этиш;
10. Жарималарни бекор қилиш;
11. Маъмурият ходимлари томонидан усталарга нисбатан хушмуомалада бўлиш («Сиз» деб мурожаат қилиш);
12. Тиббий бўлимни такомиллаштириш, койкаларни кўпайтириш, дорихоналарни зарур дори воситалари билан бойитиш, врач ва фельдшерларнинг беморларга эҳтиёткорлик ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлишига эришиш;
13. Бригадир ва монтёрларни ишчиларнинг ўзлари эркин сайлашлари ва сайлов йиғилишлари зудлик билан ўтказилиши учун имкон яратиш;
14. Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ҳаммомлар қуриб бериш;
15. Устахоналарни иситиш;
16. Умумий цензура томонидан тақиқланмаган барча асарлардан фойдаланишга рухсат берган ҳолда, оммавий ўқишларни бепул йўлга қўйиш;
17. Ишчиларга ўз эҳтиёжларини муҳокама қилишлари учун йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар, намойишлар ташкил этиш эркинлигини бериш;
18. Меҳнат таътилларини ишчилар талаб қилган вақтларда, сабабларини сўрамай бериш;
19. Шогирдларни паровозларни ювиш каби ифлос ва кир ишларга жалб этишга чек қўйиш, биринчи ўқув йилида ўзи танлаган цехдаги барча ишларда қатнашишини таъминлаш.

Шубҳасиз, зуваласи илғор ғоялар билан йўғрилган бу талаблар Туркистон ўлкасида касаба уюшмалари расман тузилишидан олдин ишчи-хизматчилар онгу тафаккурида пишиб етилганидан далолат беради. Уларнинг айримлари қаноатлантирилгани боис тез орада темирйўлчилар иш ташлашларни тугатишади ва ишларини яна давом эттиришади.

«Самарқанд» газетасининг 1905 йил 10 июндаги 116-сонида чоп этилган **«Темир йўл хизматчилари уюшмаси»** номли мақолада умумроссия темир йўллари тизимидаги турли касб эгалари ва ишчи-хизматчиларни қамраб олишу бирлаштиришга қодир **касаба уюшмаларини тузиш зарурати туғилгани** эслатилган. Касаба уюшмасининг туб мақсади демократик ғоялар устуворлигини таъминлаш асноси барча темир йўл хизматчиларининг моддий, ҳуқуқий, маданий ва меҳнатга оид манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги уқтирилган.

1905 йил 14 октябрда Туркистон темир йўлларининг ишчи ва хизматчилари яна бош кўтардилар. Уларга бошқа корхоналар ишчилари, темир йўл батальони аскарлари, ҳатто Амударё флотилияси матрослари ҳам қўшилиб, иш ташладилар. Чор ҳукумати эса 19 октябрда намойишчиларни ёппасига ўққа тутди. Бу қирғинбаротда ҳалок бўлганларни дафн этиш маросимлари халқ ғазабини қайтадан қўзғади ва уларни тағин кўчага чорлади. 15-16 ноябрда такроран қўзғолонлар ва намойишлар бўлди. Таассуфки, улар ҳам меҳнаткашлар вакилларини отиш билан якунланди.

Қиш бошида темир йўлчиларнинг иш ташлашлари тўхтади. **13-20 декабрь кунлари Ўрта Осиё темир йўллари ишчи ва хизматчиларининг 1-Курултойи ўтказилди.** Унда келаётган январь ойидан эътиборан 8 соатлик иш кунини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1906 йилнинг 1 июлида эса Тошкентда Ўрта Осиё ва Оренбург – Тошкент темирйўлчиларининг биринчи Туркистон бирлашган Қурултойи бўлди ва Темирйўлчилар касаба уюшмасининг Устави маъқулланди. Ўша ҳужжат айни кезларда Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейида сақланмоқда.

Боя айтганимиздек, **1904-1905 йилларда тузилган баъзи уюшмалар гарчи «касаба уюшмаси» деб аталмаган бўлса-да, кўзлаган мақсад ва вазифалари уники билан айнан бир хил эди.** «Среднеазиатская жизнь» газетасининг 1905 йил 11 декабрдаги 34-сонида ёзилишича, Йиғилишлар ва уюшмалар тузиш эркинлиги тўғрисидаги манифест эълон қилингани ҳамоно андижонлик фаоллар доимий иш юритадиган жамоат йиғинини ташкил этиш масаласини муҳокама қилиш учун халқ митинги уюштиришга шайланишган. Айни мақсадда шаҳардаги меҳмонхоналардан бирида яширинча тўпланишган. Сўнгра жамоатчи ва ташаббускор шахслардан иборат қўмита тузиб, масалани муҳокамага қўйишган. **13 ноябрь куни такроран йиғилиб, Андижон конституцион-демократик уюшмаси** тузилганини эълон қилишган. 8 киши дарҳол аъзоликка ариза берган, уюшма раиси, котиби ва 10 нафар бошқарув аъзолари сайланган. Кўриб чиқишга вақт етмагани сабабли уюшмага аъзолик бадаллари масаласи кейинга қолдирилган.

Кўриб турибсизки, ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган уюшмаларга эҳтиёж нафақат Самарқандда, балки бошқа ҳудудларда ҳам аста-секин кучайган.

1905 йил дебочасида Туркистон ўлкасининг Почта-телеграф хизматчилари ўзаро бирлашиш ҳамда оғир иқтисодий ва ҳуқуқий аҳволларини яхшилаш бўйича дастлабки ҳаракатларни бошлагандилар. Архивдан топилган **«Туркистон ўлкасида Почта-телеграф уюшмасини ташкил этиш тарихи ҳақидаги»** телеграмма ва ҳукуматга юборилган илтимосноманинг хомаки лойиҳасида (асл нусхалари топилмаган) қуйидаги жумлалар битилган:

«1905 йилнинг 23 октябрида туркистонликларга Бутунроссия Почта-телеграф уюшмасини ташкил этишда иштирок этиш таклифи юборилади. Мазкур таклифнома Тошкентдан бутун Туркистон муассасаларига жўнатилади.

24 октябрда Тошкентда 100 киши иштирокида Почта-телеграф ишчиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтади. *Унда Почта-телеграф ишчилари Тошкент идораси, темир йўл орқали почта ташиш XII бўлими ва округ бошқармаси вакиллари иштирок этади. Мажлис бошланишига қадар округдаги аксарият муассасалар йиғилишларда сиёсий мавзуларда сўз юритилмаслиги шарти билан Почта-телеграф уюшмаси билан бирлашишга розилик билдирадилар.*

Умумий йиғилишда Почта-телеграф уюшмасининг Туркистон бўлимини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинади. Мазкур бўлим ишларини бошқариш учун қўмита сайланади.

Умумий йиғилишларда почта-телеграф уюшмасига қўшилиш билан бир вақтда илтимоснома ва қарорлар қабул қилиниб, унда Тошкент делегатларига юқори турувчи органларга умумий ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади. Ушбу мурожаатда Туркистон ўлкаси алоқачиларининг моддий аҳволи оғирлиги кўрсатилиб, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ойлик маошларни ошириш талаблари илгари сурилган эди.

Улар иш ҳақини 50 фоизга кўтариш, қўшимча тўловларни (ошхона, уй-жой, хизмат сафарлари пули ва ҳ.к.) ошириш, ишчи-ходимлар сонини кўпайтириш ва иш вақтини, хизмат муддатини ва иш сменаларини қисқартиришни, ҳар йили ойлик тўланадиган таътилларни жорий этиш ва нафақаларни оширишни талаб қилишади».

ТУРКЕСТАНСКАЯ ТУЗЕМНАЯ ГАЗЕТА.
1904.
№ 50.
ТУРКЕСТАНСКАЯ ТУЗЕМНАЯ ГАЗЕТА.

Алқисса, **Тошкентдаги алоқа ходимларининг 1905 йил 24 октябрда бўлган йиғилишида Туркистон Почта-телеграф уюшмаси ташкил этилади.** Йиғилишда Бутунроссия Почта-телеграф уюшмасига маънавий ва иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш асосида қўшилиш ва уюшма бўлими ишларини бошқариш учун қўмита сайлаш тўғрисидаги қарор чиқарилади.

«Туркестан», «Туркестанские ведомости» ва «Русский Туркестан» газеталарининг 1905-1907 йиллардаги баъзи сонларида берилган маълумотлар ҳам ўша кезлар юқорида тилга олинган касаба уюшмалари тузилганини тасдиқлайди. «Русский Туркестан»нинг 1905 йил декабрида чиққан 264-сонидаги далилларга биноан, Тошкентдаги «Бр. Нобель» ширкатининг бош идораси хизматчилари шаҳарда **Идора хизматчилари ва бухгалтерлар касаба уюшмаси** бўлимини ташкил этишни режалаштиришган. «Туркестан» газетасининг 1906 йил 29 августдаги сонида ўша куни соат 9 да Цинцадзе циркида **Тикувчи ва этикдўзлар касаба уюшмаси**нинг таъсис мажлиси бўлиши маълум қилинган. 31 август куни соат 4 да эса умумий мажлислар залининг қишки биносида **Официант, ошпаз ва уй хизматкорлари касаба уюшмаси** аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилишига доир эълон чоп этилади. Кун тартибига тасдиқланган устав ўқилиши, бошқарув ва тафтиш комиссияси низомларини, жорий йил сметасини тасдиқлаш, бошқарув ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларини ва уларга номзодларни сайлаш, амалдаги ишларга дахлдор бошқа масалалар киритилганди. 5 сентябрда уюшма бошқаруви аъзоларининг биринчи мажлиси ўтказилади. Уюшмага 70 киши аъзо бўлган ва тез орада уларнинг сони ортиши кутилаётганди. Чунки бу таркибга ҳали нафақат уй хизматкорлари, балки меҳмонхоналар, турли ошхона устахоналари ва бошқа жойларда ишлайдиган хизматкорлар ҳам киритилмаганди.

«Туркестан» газетасининг 1906 йил 1 сентябрдаги сонида 3 сентябрь куни соат 9 да Цинцадзе циркида **Матбаа ишчилари уюшмасининг** таъсис мажлиси бўлиши тўғрисида эълон берилган бўлса, «Туркестанские ведомости»нинг 1906 йил 8 (21) октябрдаги сонида, «Туркестанский курьер» газетаси маълумотига таянилган ҳолда, Сирдарё ҳарбий губернатори **Матбаа ходимлари касаба уюшмаси** уставини тасдиқлагани ҳақидаги хабар ёритилган. Бу уюшма маблағлари кириш (аъзоликка ўтиш) тўловлари, йиллик, ойлик ва бир марталик бадаллар, капитал фоизлари ҳамда хайриялар ҳисобидан шакллантирилган.

«Новый путь» газетасининг 1906 йил 8 июлдаги сонида **Тошкент Механика ишлаб чиқариш заводи ишчилари касаба уюшмаси** тузилгани, «Туркестан»нинг 10 сентябрдаги сонида расмий рухсат этилган механика ишлаб чиқариш шаҳар ишчилари касаба уюшмаси аъзоларининг биринчи умумий йиғилиши бўлиб ўтгани ҳақидаги хабар ёритилади. Иккинчи нашрнинг кейинги сонларида уюшма ташкил топган илк кунларда унинг кассасига келиб тушган бадаллар ҳақида сўз юритилади. Шу газетада ёзилишича, 1906 йил 17 сентябрь куни Цинцадзе циркида **Қурувчилар касаба уюшмаси**нинг таъсис мажлиси ўтказилган. Унда бинокорлар сўнгги пайтларда иш вақтидан ташқари қўшимча ишлашгани, аммо шунга яраша ҳақ олишмагани эслатилган. Бунга ўхшаш ҳолатлар зудлик билан қурувчилар касаба уюшмасини тузиш заруриятини тақозо этди. Ўз навбатида, уюшма устави моддама-модда кўриб чиқилиб, ҳукуматга биржа ва уюшма ҳақида расмий илтимоснома билан чиқадиган комиссия аъзолари сайланди.

Туркистонда ҳам касаба уюшмалари пайдо бўлишидан олдин ишчи-хизматчилар турли тўгарак, йиғин ва уюшмаларга бирлаша бошлагандилар. Таҳлиллар 1905-1907 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, ҳақиқатан ҳам, касаба уюшмалари фаолият юритганидан далолат беради. Олдингиларининг номида «касаба» сўзи мавжуд бўлмаса-да, улар табиати ва хусусиятига кўра, ишчи-хизматчилар томонидан ўз иқтисодий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилгани, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари билан шуғулланганини боис бошқа мамлакатлардаги ҳозирги касаба уюшмаларига тўла-тўкис мос келади.

«Вперед» газетасининг 1906 йилги 17-сонида шундай хабар чоп этилган: «1907 йилнинг 20-25 январь кунлари Москвада фельдшер, фельдшеркалар ва ҳамшираларнинг Бутунроссия биринчи қурултойи бўлиб ўтади. **Тошкентдаги фельдшерлик ишининг аёл ходималаридан бири таҳририятимизга мурожаат йўллаб, ҳамкасб ўртоқларини ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаларига бирлашишга чақирди.** Бундан умид қилиш мумкинки, тошкентлик тиббий ёрдам ходимлари – фельдшер, фельдшерка ва ҳамширалар Қурултойга, албатта, ўз делегатларини юборадилар».

Газетанинг 1906 йил 26 ноябрда босилган 25-сонида мазкур **касаба уюшма йиғилиши бўлиши** олдиндан эълон қилинганди. 30 ноябрдаги сонида босилган материалда баён этилишича, фельдшер, фельдшеркалар ва ҳамшираларнинг 26 ноябрь куни кечқурун соат 8 да бўлган йиғилишида маҳаллий *(бу ўринда тармоқ назарда тутилган бўлса керак)* касаба уюшма Бошқаруви таркибига сайлов ўтказилган. Натижаларга кўра, Демидов энг кўп – 22 овоз олган. Лекин йиғилишда у раис лавозимидан ўз ихтиёри билан воз кечган, ғазначилик таклифини эса қабул қилган.

Туркистон касаба уюшмалари 1906 йилдаёқ фаолиятини янада ривожлантириш, аъзоларини зарур билим ва кўникмалар билан қуроллантириш мақсадида **ўз кутубхоналарини очгани** ўлкада касаба уюшмаларига эътибор юқори бўлганини тасдиқлайди. **«Вперед»** газетасининг 1906 йилги 17-сони 3-бетида манави эълон ўрин олган:

«Касаба уюшмаси ўртоқларига хабар қиламиз! Тикувчилар, пойабзалчилар, шапкачи ва шляпачи ва бошқа тикувчиларни КУТУБХОНА очилишига таклиф этамиз.

Очилиш маросими 1906 йил 19 ноябрь якшанба куни соат 11 да Воронцов проспектидаги Интендант омборхонаси рўпарасида жойлашган 31-Паришев уйида бўлади».

Газетанинг ўша йилги 10 ноябрдаги 9-сонида босилган қизиқ бир материал касаба уюшмаси ишчи-хизматчиларнинг тўлақонли ҳимоячисига айланганини ҳамда уларнинг ишончини қозонганини кўрсатади. Хабарда **Ҳарбий-иқтисодий жамиятга қарашли мундир тикиш устахонасининг барча тикувчилари мурожаат қилиш учун иш жойларини ташлаб Тошкент тикувчилар касаба уюшмасига кетиб қолишгани ёритилган.** Охирида «Ҳозирги вақтда тикувчилар касаба уюшмаси бичувчи ўртоқ Капланнинг салбий хулқ-атвори юзасидан маъмуриятга билдириш ташаббусини ўз зиммасига олган» дейилган.

Юқоридаги фикрларни **«Вперед»**нинг 5 ноябрдаги 7-сонида чиққан Идора хизматчилари ва бухгалтерлар касаба уюшмаси Кенгаши фаолияти ҳақидаги ахборот ҳам тасдиқлайди. Аён бўлишича, ушбу касаба уюшмаси идора хизмати билан банд ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўз аъзолари ўртасида **20 банддан иборат сўровнома варақаларини тарқатган.** Унда ходимларнинг исм-шарифидан ташқари, **иш соатлари сони, таътил кунлари, мукофот (устама)лари ҳақида** ҳам аниқ маълумот беришни сўраган. Бу эса, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари паспортини тузишда ҳам муҳим қадам ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бутун жаҳонда бўлгани каби Туркистонда ҳам касабачилик ҳаракатининг вужудга келиши ва кенг ёйилиши ўзига хос тарихга эга. Бу тузилма ўша пайтлар чор ҳукумати босими остида эзилган ўлка ишчи-хизматчиларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ягона нажот омили вазифасини ўтаган.

Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay'ati raisi),*
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*

Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*

Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-90) 080-93-38
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Abdurahmonov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:00
Topshirildi – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 087 та
Shundan:
7431 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 182 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8474 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G 311

1 2 3 4 5 6